**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ” ДМ**

**РАХМОНОВА НАФИСА БАХРОМОВНА**

# КАУЛДИ КОНИДА РАЗВЕДКА ҚИЛИШ ВА ЗАХИРАЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБИЯТИ ҲАМДА ИШОНЧЛИЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОЛТИН МАЪДАНЛАШУВИНИНГ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ**
**бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

**УЎК:553.411:553.3.048(575.11)**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Рахмонова Нафиса Бахромовна**
Каулди конида разведка қилиш ва захираларни ҳисоблаш услубияти ҳамда ишончлилигини белгиловчи олтин маъданлашувининг жойлашув хусусиятлари.....3

**Рахмонова Нафиса Бахромовна**
Особенности размещения золотого оруденения, определяющие методику и достоверность разведки и подсчета запасов на месторождении Каульды.....21

**Rakhmonova Nafisa Bakhromovna**
Features of the placement of gold mineralization that determine the methodology and reliability of exploration and calculation of reserves at the Kauldy deposit.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйҳати**
Список опубликованных работ
List of published works.....43

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ” ДМ**

**РАХМОНОВА НАФИСА БАХРОМОВНА**

# КАУЛДИ КОНИДА РАЗВЕДКА ҚИЛИШ ВА ЗАХИРАЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБИЯТИ ҲАМДА ИШОНЧЛИЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОЛТИН МАЪДАНЛАШУВИНИНГ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ**
**бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.PhD/GM181 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси "Минерал ресурслар институти" давлат муассасасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.mridm.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Цой Владимир Деньевич**<br>геология-минералогия фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Карабаев Маматхан Садирович**<br>геология-минералогия фанлари доктори, профессор |
| | **Урунов Бахром Насруллаевич**<br>геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) |
| **Етакчи ташкилот:** | **"Ўзбек геология қидирув" АЖ** |

Диссертация ҳимояси "Минерал ресурслар институти" ДМ ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.40.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил "25" 04 соат 16⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100064, Тошкент ш., Олимлар кўчаси, 64. Тел. (99871) 209-08-93; e-mail: info@mridm.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан "Минерал ресурслар институти" ДМнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (3439 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100064, Тошкент ш., Олимлар кўчаси 64-уй. Тел: (99871) 209-08-93).

Диссертация автореферати 2024 йил "08" 04 куни тарқатилди.
(2024 йил "11" 03 даги 15 рақамли реестр баённомаси).

**М.У. Исоқов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

**С.С. Сайитов**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.ф.д. (PhD)

**М.М. Пирназаров**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., профессор

**КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётида олтин конларини геологик тузилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқловчи омилларни муфассал ўрганиш, уларни қидириш ва захираларини ҳисоблаш услубияти ҳамда геологик-иқтисодий баҳолаш масалалари ҳамон долзарблигича қолмоқда. Бунда, мавжуд геологик, тоғ-техник ва технологик материалларни тўлиқ қайта ишлаш, уларни таҳлил қилишда замонавий усуллардан фойдаланиш ва олинган натижаларни талқин қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда геология-қидирув ишлари ва олтин конлари захираларини баҳолашнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда, янги техник-иқтисодий асосланган қидирув кондициялари асосида захираларни қайта баҳолаш ишлари учун лицензияли комплекс дастурий таъминотлардан фойдаланилмоқда. Бу эса ўз навбатида геология қидирув ишлари самарадорлигини ошириш ва мамлакатнинг минерал хомашё базасини ривожлантириш имконини беради.

Республикада ер қаърини комплекс геологик ўрганиш соҳасида ягона геология хизматини ташкил этиш, минерал хомашё базасини ривожлантириш ва кенгайтириш дастурларини самарали амалга ошириш бўйича бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилган. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида “.....иқтисодиёт учун зарур минерал хомашё базасини кенгайтириш.....”[1] бўйича вазифалар белгилаб берилган. Белигиланган вазифаларни бажариш учун геология-қидирув ишлари услубиятини такомиллаштириш, ер қаърини геологик ўрганиш самарадорлигини ошириш ва фойдали қазилма конлари захираларини ҳисоблашнинг ишончлилигини таъминлашга қаратилган илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга. Давлат дастурида мис-порфирли конларни ўзлаштириш жараёнида мис ва олтин ишлаб чиқаришни сезиларли даражада ошириш кўзда тутилган бўлиб, бу эса ўз навбатида флюс маъданларига бўлган эҳтиёжни оширади. Шу муносабат билан Каулди конининг захираларини қайта баҳолаш ва уларнинг ишончлилигини таъминлаш ҳисобига олтинни ўз ичига олган флюс маъданларининг хомашё базасини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармонида, 2018 йил 1 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3578-сон, 2021 йил 21 апрелдаги “Геология соҳага инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал хомашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5083-сон ва 2020 йил 8 июндаги “Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4740-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ – 60-сон Фармони.

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII “Ер тўғрисидаги фанлар” (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Захираларни баҳолашнинг ишончлилигини ошириш ва геология-қидирув ишларини такомиллаштириш муаммоларига йўналтирилган илмий тадқиқотлар АҚШ, Россия, Хитой, Австралия каби давлатларнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида ўтказилмоқда. Бунда T.M.Collins, E.A.Lauha, P.Jorelemon, Kenowna Bella, А.А.Кременецкий, R.Seltman каби олимларнинг олиб борган ишлари диққатга сазовор. Ўзбекистонда олтин маъданлашувининг жойлашиш қонуниятлари ва ўзига хос ҳусусиятлари, олтиннинг маъдан таналарида тарқалиши, қидирув ва қазиб олиш маълумотлари асосида ҳисобланган захираларининг ишончлилигини аниқлаш бўйича турли йилларда В.Н.Азин, С.Т.Бадалов, Ю.Л.Гертман, А.В.Гиль, Л.М.Глейзер, И.М.Голованов, С.А.Денисов, В.Я.Зималина, Д.А.Зенков, Б.А.Исаходжаев, М.У. Исоқов, Ж.Н. Кузнецов, С.М.Колоскова, Н.Н.Королева, М.С. Карабаев, Е.З.Мещанинов, С.Т.Марипова, Е.И.Николаева, М.М. Пирназаров, Г.С.Тилляева, М.Д.Увадьев, В.П.Федорчук, И.Х.Хамрабаев, И.О.Хамроев, В.Д.Цой, Ю.С.Шихин, П.А.Шехтман, А.А.Эгамбердиев ва бошқа кўплаб мутахассислар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, конларда қидирув ва захираларни ҳисоблашни ишончлилигига таъсир этувчи омиллар тўлиқ ўрганилмаган. Бундан ташқари, рақамлаштириш даври халқаро стандартлар талабларига мос замонавий дастурий таъминот тизимларидан фойдаланишни тақозо этмоқда. Мазкур масаланинг ечими захираларни ҳисоблаш усулларини, ишончлилигини, олтин ва флюс маъданларининг минерал хомашё базасини кенгайтириш имкониятларини янада самарали ва ишончли аниқлаш имконини беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти “Минерал ресурслар институти” давлат муассасаси илмий-тадқиқот режасининг 65-4435ЮР-сон “Каулди конида (Марказий, Жанубий, Жанубий II участкалари) ер ости усулида қазиб олиш учун 2022 йилнинг 1 январ ҳолатига олтин таркибли маъданлар захираларини ҳисоблаган ҳолда доимий қидириш кондицияларини техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш” (2019-2022) ва 1596-сон “Жанубий I участкасида олтин маъдан захираларини ҳисоблаш учун вақтинчалик қидирув кондицияларининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш” (2019-2022) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Каулди конида разведка қилиш ва захираларни ҳисоблаш услубияти ҳамда ишончлилигини белгиловчи олтин маъданлашувининг жойлашув хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

Каулди конида олтин маъданлашувининг асосий структуравий ва литологик-стратиграфик позицияларини аниқлаш;

Қидириш ва захираларни ҳисоблашнинг ишончлилигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;

Каулди олтин конининг Марказий, Жанубий, Жанубий I ва Жанубий II участкаларида геостатистик таҳлил ўтказиш ва геологик тузилиши бўйича мураккаблик гуруҳини аниқлаш;

Каулди кони захираларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ҳисоблаш ва қайта ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Каулди конининг Марказий, Жанубий, Жанубий I ва Жанубий II участкалари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** олтин маъданлашувини жойлашиш қонуниятлари ва геологик-структуравий хусусиятлари, структуравий ва литологик-стратиграфик позициялари, маъдан таналари морфологияси, ҳисоблаш параметрлари, маъдан кесимлари қалинлигининг ўзгариш коэффициентлари, улар учун ўртача олтин миқдори, маъданлашув чегараларининг мураккаблик кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда геология-қидирув натижаларининг аниқлиги ва ишончлилигини баҳолаш учун замонавий усуллар: захираларни таққослаш усули (қидирув ва қазиб олиш маълумотлари бўйича ҳисобланган); қидирув тўрларини босқичма-босқич камайтириш усули (қидирув тўрларини камайтирилган маълумотлари бўйича захираларни ҳисоблаш); геостатистика усуллари (вариограмма ва 3D моделлаштириш) қўлланилган. Шу билан бирга диссертация ишларида кўп модулли интеграциялаштирилган Micromine дастурий таъминоти кенг қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Каулди конида олтин маъданлашувини жойлашишини асосий структуравий ва литологик-стратиграфик позициялари асослаб берилган;

қидириш ва захираларни ҳисоблашнинг ишончлилигини белгиловчи асосий омиллар аниқланди;

маъданлашув хусусиятларининг ўзгарувчанлик коэффициентлари қийматларини аниқлаш асосида ўрганилаётган объектларнинг геологик тузилишининг мураккаблик гуруҳлари аниқланди;

қия ётувчи маъдан таналари (уюмлари) захираларини анъанавий усулда ҳисоблаш натижалари халқаро стандартларга мувофиқ илк бор қўлланилган блокли моделлаштириш усули натижаларига мос келиши исботланди.

**Тадқиқотларнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

Кварц-гидрослюда метасоматитларда олтин маъданлашувининг жойлашиш қонуниятлари ва хусусиятлари, маъдан таналари морфологияси ва маъданлашув ҳосил бўлиши учун энг қулай бўлган тушиш бурчаги $10\text{-}35^0$ ли структуранинг участкалари аниқланган;

Захиралар ҳисоблашнинг ишончлилигига таъсир қилувчи геологик ва услубий омиллар аниқланган;

Каулди конининг захиралари янги қидириш кондициялари асосида ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асосномага мувофиқ, 2022 йил Давлат захиралари комиссияси томонидан тасдиқланган меъёрий-услубий ҳужжатлар асосида қайта ҳисоблаб чиқилган;

Қайта ҳисоблаш натижасида $C_1$+$C_2$ таснифи бўйича аввал тасдиқланган 2,0 г/т олтиннинг чегаравий миқдори 1,0 г/т га пасайтирилганда маъдан захираси 103,5% га ошган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги фойдаланилган геология-қидирув маълумотлари ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни тартибга солувчи амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги, шунингдек, замонавий Micromine дастурий таъминотидан олинган натижалар билан асосланади. Маъданнинг минералогик таҳлили Nikon Eclipce LV 100N POL микроскопи ёрдамида амалга оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти Каулди конининг 4 та участкалари мисолида олтин маъданлашуви жойлашишини структуравий ва литологик-стратиграфик позицияси, маъдан таналари морфологияси ҳамда геологик ва услубий омилларнинг геология-қидирув ишлари услубияти ва захиралар ҳисоблашнинг ишончлилигига таъсирини асослаб берилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижасининг амалий аҳамияти шундаки, Каулди конида қазиб олиш жараёнида маъдан танаси ички тузилишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиниши, саноатбоп маъданни чегаралаш имконини беради. Коннинг захиралари янги кондиция талаблари асосида қайта ҳисоблаб чиқилиши ва олтиннинг чегаравий миқдори 2,0 г/т дан 1,0 г/т га пасайтирилиши саноатбоп олтин захираларини 22,9% га оширилишига олиб келди. Кўп модулли геологик дастурий таъминот тизимларидан фойдаланиш захираларни ҳисоблаш жараёнини оптималлаштиришга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Каулди конида разведка қилиш ва захираларни ҳисоблаш услубияти ҳамда ишончлилигини белгиловчи олтин маъданлашувининг жойлашув хусусиятлари бўйича олинган натижалар асосида:

Каулди олтин конининг геологик ва структуравий хусусиятлари, олтин маъданлашувининг тарқалиш қонуниятлари, структуравий ва стратиграфик ўрни, маъдан таналари ва уюми морфологияси, олтиннинг ўртача миқдори, ўзгарувчанлик коэффициенти ва бошқа қидирув параметрлари таҳлили бўйича хулосалар “Олмалиқ КМК” АЖ амалиётига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 6 ноябрдаги 08-3405-сон маълумотномаси). Олинган натижалар олтин маъданлашувини жойлашиши учун энг қулай шароитларни аниқлаш имконини берган;

захираларни қидириш ва ҳисоблашнинг ишончлилигини белгиловчи асосий геологик ва услубий омиллар бўйича маълумотлар “Олмалиқ КМК” АЖ

амалиётига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 6 ноябрдаги 08-3405-сон маълумотномаси). Олинган натижалар захираларни ҳисоблашнинг ишончлилигини баҳолаш имконини берган;

Каулди конининг захираларини халқаро стандартларга мувофиқ “Micromine” дастури орқали қайта ҳисоблаш натижасида олтиннинг энг оптимал чегаравий миқдори 1,0г/т белгиланганлиги тўғрисидаги хулосалар “Олмалиқ КМК” АЖ амалиётига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 6 ноябрдаги 08-3405-сон маълумотномаси). Натижада, маъдан миқдори 103,5% га ҳамда олтиннинг захирасини 22,9% га ошириш имконини берган;

статистик таҳлиллар асосида Каулди конининг Жануб II участкаси геологик тузилишининг мураккаблиги бўйича IV гурухга тааллуқли эканлиги тўғрисидаги хулосалар Олмалиқ КМК” АЖ амалиётига жорий қилинди (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 6 ноябрдаги 08-3405-сон маълумотномаси). Олинган натижалар қидириш ишларида маъдан таналарини очиш ва эксплуатацион разведка ишлари билан бирга олиб бориш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жаъми 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси республикада, 1 таси хорижда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бет, 27 та жадвал ва 48 та расмдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган зарурият, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, объекти ва предмети, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилинганлиги ва қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг **“Каулди конининг геологик-структуравий хусусиятлари”** номли биринчи бобида Каулди конининг Марказий, Жанубий, Жанубий I ва Жанубий II каби тўртта участкаларида олтин маъданлашувининг геологик-структуравий жойлашуви ҳақидаги маълумотларнинг таҳлил натижалари келтирилган.

Минтақанинг геологик ўрганилганлик муаммолари ва маъданлашувнинг истиқболлари ҳақидаги маълумотлар Е.Б.Ачкасов, Н.И.Дабижи, Н.Ф.Вологдин, Е.З.Мещанинов ва бошқалар каби олимлар ҳамда тадқиқотчиларнинг асарларида ўз аксини топган. Пировард натижада ҳудуднинг саноатбоп қиймати аниқланиб, қидирув ишлари ўтказиш учун тавсиялар берилган.

Коннинг жойлашув ўрни Олмалиқ маъданли минтақасининг Марказий тектоник блокида, шимолдан Бургунди, жанубдан эса Мискан ер ёриқлари билан чегаранланади.

Морфологик жиҳатдан узунлиги бўйлаб бир неча юз метрга, қалинлиги бўйича эса бир неч ўн метрга ётувчи, баъзи жойлари қалин ва сиқилган қия ётувчи пластсимон ва линзасимон маъданли таналардан ташкил топган. Маъданли чегараларнинг таналари унчалик аниқ эмас ва улар намуналардаги таҳлил натижаларига кўра ажратилади. Маъдан таналарини боғлашда ва уларнинг чегараларини аниқлашда метасоматитларнинг таркиби ҳамда эндоген геокимёвий ореоллар ҳисобга олинган.

Мазкур кон акча ва надак комплекси мансуб бўлган андезит-дацитли вулканоген ($C_2$-$C_3$) формация ва уларнинг остида 200-500 метр ер сатҳидан чуқурликда карбонатли ётқизиқлар ($D_2$-$C_1$) учрайди (1-расм). Вулканоген тоғ жинслари ушбу майдонда 10-30$^0$ бурчак остида шимоли-ғарбий томонга қараб ётади.

Структуравий жиҳатдан мазкур кон чизиқли чуқур морфоструктуранинг қанотида жойлашган. Шимоли-шарқий йўналиш бўйлаб ушбу структура қанотларининг қалинлиги 1000 метрга етади.

Кондаги маъдан назорат қилувчи ва маъдан қамровчи Асосий қия ётувчи зонали структура ҳисобланади. Ушбу зонада ост сурилмали структура кузатилиб, улар бўйлаб кластолавалар, метасоматитлар ва маъданли таналар ривожланган.

Унинг қалинлиги 30-40 метрни ташкил қилиб, шарқ-шимоли-шарқий томонга 10-45$^o$ бурчак остида ётади. Структуранинг қанотлари шимоли-шарқий йўналишдаги ер ёриқлари билан синдирилган. Марказий, Оралиқ, Жанубий, Жанубий II сингари участкалардаги барча саноатбоп маъданли таналар Асосий қия зонада ривожланган.

*Марказий участкаси*. Ҳозирги кунда Каулди конидаги Асосий қия зонада жойлашган Марказий участкасида 8 та маъданли таналар разведка қилинган бўлиб, унда структуравий ва литологик шароитлар маъданлашувнинг ривожланишида жуда қулай омил бўлиб хизмат қилади. Кондаги маъдан таналари қия, линзасимон ва тик ҳолатда ётади.

*Жанубий участкаси*. Мазкур участка Асосий қия зона бўйлаб ривожланган бўлиб, 1660 метргача узунликдаги қисми ўрганилган. Ушбу маъданли тана қия ётувчи линзасимон тузилишда, ҳамда кучли гидротермал ўзгаришга учраганлиги билан ажралиб туради. Олтиннинг нотекис тақсимланганлигига қараб, маъдан таналарининг морфологияси, уларнинг ўзгарувчан қалинлиги, ётиши ва йўналганлиги белгиланади.

*Жанубий I участкаси.* Ўтказилган геологик-қидирув ишлари асносида участкада 3 та (15, 18 ва 18а) маъданли таналар аниқланган. Маъдан таналари вулканоген ётқизиқларнинг қатламлари билан озгина мувофиқ тарзда ётади. Мазкур маъдан таналари деярли горизонтал ҳолатда (25-30$^o$ гача) шарқ томонга ётиб, баъзида бурмаланган флексурали қисмлари ҳам кузатилади. Ҳамма маъданли таналар алоҳида блоклар билан ажралмаган лекин уларнинг орасида 30-35 метрга ётувчи маъдансиз майдонлар билан чегараланган.

*Жануб II участкаси.* Участкадаги маъдан таналари ўзининг линзасимон қия ётувчи эканлиги билан ифодаланади. 1991 йилда 3 та маъдан танаси аниқланган бўлиб, улар андезидацитли формацияга мансуб акча ва надак свитаси вулканитлари ва уларнинг остки қисмида ётувчи карбонат қатламлар ҳамда кварцли порфирларда разведка қилинган. Жанубий II участкасидаги маъданли таналар юқори палеозой вулканитлари ва $D_3+C_1$ ёшига мансуб карбонатли жинсларнинг тектоник контакт структурали оралиқ формацион зонаси бўйлаб тарқалган.

Конда маъданли таналар ривожланиши учун қулай бўлган икки турдаги структуравий ва литологик-стратиграфик позициялар: ички формацияли ва оралиқ формацияларли позициялар аниқланган (2-расм).




**1-расм. Каулди конининг геологик харитаси. (Е.З.Мещанинов, А.В.Гиль Д.Г. Завьялова, Ю.Л. Гертманва бошқалар, маълумоти асосида 1986-1990 йиллар).**

***1*** – тўртламчи ётқизиқлар; ***2*** – габбро-монцонитлар, сиенодиоритлар $P_2$; ***3*** – акча комплекси ($C_2$); дацитларнинг лавалари ва туфолавалари, конгломератлар, қумтошлар, алевролитлар, оҳактошлар, болгали комплексига ($C_2$) мансуб субвулканик гранодиорит-порфирлар; ***4*** – субвулканик ва экструзив андезидацитлар; ***5*** – андезидацитларнинг лавалари и туфлари, майда порфирли андезитлар, андезибазальтлар, оҳактошлар, конгломератлар, алевролитлар, туффитлар; ***6*** –оҳактошлар, қумтошлар, алевролитлар $D_3$-$C_1$; ***7*** – риолитлар $D_{1-2}$; ***8*** – кизата комплекси гранодиоритлари $C_2$; ***9*** – дайкалар: диабазли порфиритлар; сиенито-диоритли порфиритлар, сиенит-порфирлар, кварцли сиенит-порфирлар; гранодиорит-порфирлар; диоритли порфиритлар; ***10*** – кварц-карбонатли маъданли таналар; ***11*** – кварц-гидрослюдали метасоматитлар; ***12*** – тик ётувчи ер ёриқлари; ***13*** – Каулди туридаги қия ётувчи зона (ер ёриқлари); ***14*** – Каулди конининг истиқболли участкалари.

Илгари олиб борилган дастлабки баҳолаш ишларининг натижалари бўйича олтин маъданлашуви ўрта девон – қуйи карбон ёшидаги терриген-карбонатли жинслар билан ўрта карбонга мансуб андезидацит таркибли вулканоген-чўкинди ётқизиқлар орасида оралиқ формацион, ҳамда туфлар ва лаваларнинг контактида, яъни вулканоген-чўкинди жинсларда формация ичи структураларида вужудга келганлиги аниқланган.




**2-расм. Турли хил структуравий ва литологик-стратиграфик позицияларда маъдан таналарининг жойлашиши (Е.З.Мещанинов, А.В.Гиль ва бошқалар маълумотлари асосида 1998й.)** ***а)*** формация ичи позициясидаги маъдан таналари (14-14 йўналиши бўйича геологик кесма, Марказий участкаси 2-3 м.т); ***б)*** Оралиқ формациядаги (9 м.т.) ва формация ичи позицияларидаги (6 м.т.) маъдан таналари (35-35 йўналиши бўйича геологик кесма, Жанубий участкаси); ***в)*** Оралиқ формациядаги (15 м.т.) ва формация ичи (минераллашган зона) позицияларидаги (76а йўналиши бўйича геологик кесма, Жанубий I участкаси); ***г)*** Оралиқ формациядаги (24 м.т.) ва формация ичи (21 м.т.) позицияларидаги (йўналиши бўйича геологик кесма, Жанубий II участкаси). ***1*** – қумтошлар; ***2*** – кристаллокластик лавалар, туфолавалар, кластолавалар ва туфлар дацит-порфирлар; ***3*** – туфоқумтошлар; ***4*** – алевролитлар ва қумтошлар; ***5*** – андезитли порфиритлар; ***6*** – оҳактошли ва полимиктли конгломератлар, гравелитлар, қумтошлар, алевролитлар ва туффитлар (остки чегара қатлам); ***7*** – субвулканик биотитли гранодиорит-порфирлар ва андезито-дацитли порфирлар; ***8*** – Калканата туридаги гранодиорит-порфирлар; ***9*** – субвулканик биотитли андезито-дацитли порфирлар; ***10*** – туфлар, туфобрекчиялар, лавобрекчиялар биотитли андезито-дацитли порфирлар; ***11*** – конгломератлар; ***12*** – сиенито-диоритлар; ***13*** – скарнлашган зона; ***14*** – тоғ жинсларининг контактлари: кузатилувчи (а) ва таклиф қилинган (2); ***15*** – карбонатли ётқизиқлар (оҳактошлар); ***16*** – гидрослюда-кварцли метасоматитлар; ***17*** – маъданли таналарнинг чегаралари; ***18*** – тик ётувчи ер ёриқлари; ***19*** – қия зонлар (ер ёриқлари).

Каулди конидаги Марказий, Жанубий, Жанубий I ва Жанубий II участкаларидаги ДЗК бўйича ҳисобланган захираларга стратиграфик ҳолатига кўра таҳлил қилинган. Захираларнинг асосий қисми (73%) Марказий участкасида ички формация позициясида жойлашганлиги аниқланган. Жанубий участкасидаги захиралар 24% ташкил қилиб, улар оралиқ формация позициясида

ривожланганлиги кузатилади. Захираларнинг 3% қисми Жанубий I, Жанубий II участкаларида оралиқ формация ва ички формацияларида тарқалган.

Марказий участкасининг захиралари қазиб олинганини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилганда, унинг улуши 21,5% ни ташкил этди. Жанубий участкасидаги захиралар 70,3% га, Жанубий II участкасида эса захиралар 8,2% га тўғри келади.

Диссертациянинг иккинчи "**Қидирув ишлари услубиятларини белгилашда олтин маъданлашувининг жойлашиш хусусиятлари**" боби олтин маъданлашувининг жойлашиш қонуниятлари, маъдан олди ўзгаришлари, маъданларнинг моддий таркиби ва олтин маъданлашуви параметрларининг ўзгарувчанлиги сингари хусусиятларни қидирув ишлари услубиятига бўлган таъсирига бағишланган.

Каулди конида маъдан таналари асосан кварцли, кварц-гидрослюдали, кварц-карбонатли метасоматитлар ичида ривожланган бўлиб, улардаги олтиннинг миқдори нотекис равишда тарқалган. Кварц-гидрослюдали метасоматитларнинг қалин зонаси ривожланганлиги олтин маъданли таналарни қидириш учун бевосита белги бўлиб хизмат қилади.

Кварц-гидрослюдали метасоматитлар коннинг маъданли зонасида учраб, пропилитлашган тоғ жинслари бўйича ривожланган.

Маъдан ва маъданолди ўзгаришларни минералогик жиҳатдан Г.С.Мещанинова, Е.З.Мещанинов (1970, 1972, 1974, 1977), С.Т.Бадалов (1969), М.Д.Увадьев, Ю.Л.Гертман ва бош. (1975), Е.И.Николаева, А.Х.Туресебеков (1991) сингари тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Ушбу кон олтин-сульфид-кварцли формацияга киради. Аксарият маъданли таналарнинг таркиби бир-бирига жудаям ўхшаш ва кварц билан ифодаланиб, кўп холларда брекчияли текстурада, кварц-гидрослюдали метасоматитларда соф олтин юқори пробали бўлиб, майда дисперсли ҳолатда, озгина қисми эса сульфидлар ҳиссасига тўғри келади.

Маъданларда олтин кварц ичиди алоҳида, ҳамда сульфидлар, теллуридлар ва сульфосоллар билан боғланган. Гидротермал маъданларда олтин соф ҳолатда кўз билан кўринадиган шаклда, бошқа минерал-бирикмалар билан (асосан теллуридлар) бирга учрайди, ҳамда сульфидларда эса (пирит, халькопирит, арсенопирит ва бош.) тарқоқ майда дисперсли ажралмалар сингари тарқалган. Соф олтин асосан пирит билан ўсимталар кўринишида қатнашади. Уларнинг ўлчами 0,02-0,03 мм.

Олтин конларига захиралар таснифини қўллашга оид Йўриқномага мувофиқ, Марказий ва Жанубий I участкаларида олтин-кварцли маъданларда кремний миқдори 60% дан ортиқ (67,3-73,5) ва 13% дан кам миқдорда алюминий оксиди (8,87-15,2) бўлганлиги сабабли маъданларни металлургия заводларида флюс сифатида ишлатиш мумкин.

Муфассал баҳолаш ишлари асносида Каулди конининг Марказий, Жанубий, Жанубий I, Жанубий II участкаларининг геологик тузилишига кўра 3 гурухга киради. Ҳудуднинг геологик тузилишини аниқлаш учун маъданларнинг қалинлиги ва улардаги олтин миқдорининг ўзгариш коэффициентлари аниқланади.

Micromine дастури ёрдамида 2,0, 1,5, 1,0, 0,5 г/т миқдорда бўлган олтиннинг тарқалиш ўзгарувчанлик коэффициенти мазкур гистограммага мутаносиб тарзда аниқланди.

Ўзгарувчанлик коэффициенти ва мураккаблик кўрсаткичларини аниқлаш учун ҳамма участкаларда умумий статистик таҳлил ўтказилди. Статистик таҳлиллар учун маъдан таналарининг захиралари ҳисобланган блокларидан танланиб намуналар олинди. Намуналардаги олтининг тарқалиш хусусиятларини аниқлаш учун гистограмма тузилиб, ундан олтиннинг тарқалишидаги статистик параметрлари асос қилиб олинди. Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, 1,0г/т чегаравий миқдор бўйича маъдан таналари қалинлигининг ўзгариш коэффициенти унчалик баланд эмас, олтин кесишмаларида эса ўзгаручанлик коэффициенти жуда нотекис тарқалган.




**3-расм. Марказий (а), Жанубий (б), Жанубий I (в) ва Жанубий II (г) участкаларида олтин таркибининг ўзгарувчанлик коэффициентлари тақсимотининг умумий статистик таҳлили**

3-расмда Марказий, Жанубий, Жанубий I ва Жанубий II участкаларида олтин таркибининг ўзгарувчанлик коэффициентлари тақсимотининг умумий статистик таҳлили келтирилган. Олтиннинг 0,5, 1,0, 1,5, 2,0 г/т чегаравий миқдорларида ўзгарувчанлик коэффициенти 173,0 дан 399,0% гача. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Марказий, Жанубий ва Жанубий II участкалари мураккаблик даражаси бўйича IV гуруҳга (ўзгарувчанлик коэффициенти 150% ортиқ) киради.

Истисно тариқасида Жанубий I участкасида олтиннинг ўзгариш коэффициенти 60,5 дан 111,4% ни ташкил этди. Шунинг учун мазкур участка мураккаблиги бўйича III гурухга киради. Шу билан бирга разведка қилинган хар бир маъданли таналарда (маъданли, маъдансиз, маъданларнинг ички ва уларнинг атрофи) маъданлашувнинг саноатбоп (захираси ҳисобланган блокларда) кўрсатгичлари аниқланди. Улар геологик мураккаблик кўрсатгичига кўра 0,3 бўлиб, IV гурухга тўғри келади (0,4 мураккаблик кўрсатгичи камроқ). Участканинг геологик тузилишига кўра мураккаблик гурухи геологик ўзгарувчанлигининг максимал қийматлари билан белгиланади.

Учинчи бобда **“Қидирув услубияти ва ишончлилигини белгиловчи асосий омилларни таҳлил қилиш”** деб номланиб, геологик (маъдан таналарининг морфологияси, маъдан назорат қилувчи стуктураларда маъдан таналарининг нотекис тарқалганлиги) ва услубий омиллар (қидирув тўрининг формаси ва зичлиги, ўртача таркибни аниқлаш усули ҳамда “ўта юқори қийматли” намуналарни ҳисобга олиш) кўриб чиқилган. Юқорида кўрсатилган турли хил

омиллар гуруҳи асосий ҳисоблаш параметрларини аниқлашда аниқлик даражасига турлича таъсир кўрсатади ва аниқланган умумий кўрсаткичларидан ҳар бир ҳисоблаш параметрлари ва захираларнинг ишончлилигини аниқлашда фойдаланиш мумкин. Захираларнинг ишончлилиги уларни ҳисоблаш формуласининг параметрларини баҳолаш билан белгиланади.

Геологик омилларга асосланиб, Марказий участкасидаги 1 ва 2, 3 сонли маъдан таналари мисолида морфометрик таҳлили ўтказилди. Бунда уларнинг морфологияси, қалинлиги ва ишончлилигини баҳолашга таъсири, ҳамда захираларининг ҳисоблаш параметрлари ўрганилди.




**4-расм. Қидирув (а) ва қазиб олиш (б) маълумотлари бўйича 1-сонли маъдан танаси чегарасини таққослаш (15-15 ҚТ бўйича геологик қирқим).** ***1*** – қидирув маълумотлари бўйича маъдан танаси (а); ***2*** – қазиб олиш маълумотлари бўйича маъдан танаси (б); қалинлик, м, Au ўртача миқдор, г/т/Ag ўртача миқдор, г/т; ***3*** – қидирув маълумотлари бўйича қидирув кесишмалари; ***4*** – қазиб олиш маълумотлари бўйича қазиб олиш кесишмалари; ***5*** – ҳисобланган блок; ***6*** – дарзлик; ***7*** – тоғ-кон лаҳми.

Натижалар шуни кўрсатдики, эксплуатацион разведка жараёнида маъдан танаси ўз шаклини ўзгартирмади, бироқ блок майдони 19,3% га камайди, қалинлиги 42,8% га ошди. Маъдан танасининг чегараларидан ташқарида саноат параметрларига эга бўлган кесишмалар мавжуд эмас. Морфометрик параметрларнинг оғиш диапазони майдон бўйича -19,3% дан қалинлик бўйича +42,8% га қадар катта. Металл захираларидаги оғишлар эса унчалик катта эмас (-1,54%), Марказий участкасидаги маъдан жисмларининг морфологияси маъдан ва металл захираларига таъсир қилишини кўрсатди.

*Жанубий II участкаси*. Қидирув ишларини ишончилигига таъсир этувчи услубий омиллардан келиб чиққан ҳолда, қидирув профиллари тўрлари зичлигини аниқлаш ва қия ётувчи маъдан таналарида бурғулаш разведкаси маълумотлари асосида 22-сонли маъдан танасининг I-$C_1$-22 блокида захираларнинг ишочлилигини баҳолаш бўйича таҳлилий ишлар ўтказилди. Кесимни

қисқартириш орқали блокни чегаралаш икки хил йўналишда олиб борилди (5-расм).

Профилларнинг ораси 40х40 дан 80х80 гача оралиқда қисқартириб борилди. Расмдан кўриниб турибдики, маъдансиз ва саноат талабига жавоб бермайдиган тоғ жинслари тадқиқ этилаётган блокда (40х80) маъданли танага қўшилган. Ҳар бир қисқартирилиш вариантида тоғ жинси, металл ва маъданлар ҳисоблаш параметрлари захиралари ҳисоблаб чиқилган.




**5-расм. Жанубий II майдонидаги ҳисобланган I-$C_1$-22 блокда 40х40м дан 80х80м гача қисқартирилган қидирув профилида чегараларининг қисқариши.** ***1*** – 40х40м қидирув профилидаги блокнинг чегаралари; ***2*** – 80х80м қидирув профилидаги блокнинг чегаралари; ***3*** – 80-40м қидирув профилидаги блокнинг уч ўлчамли модели.

Жанубий II участкасидаги асосий ҳисоблаш (участкадаги блокнинг қалинлиги ва ўртача миқдори) кўрсаткичларининг ўзгаришига эътибор берадиган бўлсак, 40х40 қидирув профилида олтиннинг ўртача миқдори 9,2 г/т, 80х80 профилда эса унинг қиймати 18,7 г/т гача кўтарилганлиги кузатилади. Олтиннинг ўртача миқдори – энг ўзгарувчан ҳисоблаш параметрларига киради. Ушбу ҳолат олтиннинг жудаям нотекис тарқалганидан далолат бериб, захираларни ҳисоблашда сезиларли даражада таъсир этади, ҳамда саноатбоп маъданлашувни морфологиясини аниқлашда мураккабликлар туғдиради.

*Жанубий участкаси.* Кейинги босқичда участкадаги 8а-1-$C_1$ маъдан танасида қидирув профил тўрларини қисқартиришнинг турли вариантлари таҳлил қилинди. Ҳисобланган блокларда турли хил профил тармоқларининг зичлиги бўйича маъданлар ва металларнинг таққосланган шуни кўрсатдики, мазкур блокнинг майдони 3,2% қисқарди. Блокнинг қалинлиги 15,8% ошганлиги маъданларнинг захирасига таъсир этиб 12,08% оширди. 40х40 қидирув профилида

олтиннинг ўртача миқдори 2,2 г/т, 80х80 профилда эса унинг қиймати 2,78 г/т гача ёки 11,2% кўтарилиб, олтин захираларини ошишига олиб келади. Профилларнинг қисқариши захираларнинг тасдиқланмаган қисмларини аниқлашга имкон беради. Ҳисоблашнинг энг ўзгарувчан параметрлари – майдон, қалинлик ва олтин ҳамда кумушнинг ўртача миқдори ҳисобланади.

Дастлабки босқичда намуна олиш маълумотлари асосида “Ўта юқори қийматли” олтин таркибини аниқлаш мақсадида статистик тадқиқотлар ўтказилди. Micromine дастурий таъминоти ёрдамида турли кўрсаткичларини аниқловчи гистограммалар тузилган. Марказий, Жанубий ва Жанубий I участкаларида “Ўта юқори қийматли” олтин намуналари маъдан таналарида “квантил” усули ёрдамида тарқалиш гистограммаси билан бажарилди. Ўз навбатида бир-бирига ўтиш чегаралари фоизда бўлган ўнта синфга бўлинган намуналар саралаб олинган. Ҳар бир синф учун металларнинг чизиқли захираси ҳисоблаб чиқилган. Охирги синфда умумий ҳисобдаги металларнинг 40% ортиқ қисмини ўз ичига олганлиги учун, мазкур синфни 10 та кичик синфга ажратилган. Белгиланган услубиятга кўра 10% дан ортиқ металл тўпланган кичик синфнинг пастки чегараси ўта юқори қийматли миқдор деб қабул қилинган.

Тўртинчи **“Каулди кони захираларини ҳисоблаш ва қайта ҳисоблашнинг усуллари”** бобида захираларни ҳисоблашда анъанавий ва блокли моделлаштириш усуллари қўлланилган ва улардан олинган натижаларни қиёсий тавсифи келтирилган.

Муфассал баҳолаш натижаларига кўра, захиралар коннинг тузилиш ҳусусиятлари, маъдан танаси ҳосил бўлиш шароитлари ва қидирув усулларига мувофиқ геологик блоклар усулида ҳисобланди. Ҳисоблаш блокларини ажратиш маъдан таналарини горизонтал текисликка проекциялаш орқали амалга оширилган.

Янги халқаро талабларга кўра, анъанавий усул назорат усули сифатида қўлланилади. Шу сабабли, Каулди кони захиралари блокли моделлаштиришнинг геостатистика усули ёрдамида Micromine дастури орқали қайта ҳисобланди (6-расм).

Олтиннинг тан нархи ошиши муносабати билан Каулди конининг минерал-хомашё базасини кенгайтириш мақсадида коннинг захираларини қайта тасдиқлаш ва ҳисоблаш ишлари амалга оширилди.

Конлардаги захираларни қайта ҳисоблаш ишлари халқаро талаблар асосида ишлаб чиқилган меъёрий-услубий ҳужжатларга мувофиқ (Олтин маъданли конларига нисбатан захиралар таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома ва Қаттиқ фойдали қазилмаларни ТИА ва ҳисоблаш йўриқномаси, ДЗҚ 2022 й.) бажарилган.

Марказий, Жанубий, Жанубий I ва Жанубий II участкаларини биргаликда ўзлаштириш, унинг захирларини ҳисоблаш учун 1,0 г/т олтиннинг чегаравий миқдори ер қаъридан олтин таркибли маъдан таналарини тўлиқ қазиб олишда ва қониқарли иқтисодий кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда энг мақбул вариант деб ҳисобланди. Захираларни қайта ҳисоблаш натижасида $C_1$+$C_2$ тоифаси бўйича аввал тасдиқланган 2,0г/т олтиннинг чегаравий миқдори 1,0г/т га пасайтирилганда

Марказий, Жанубий ва Жанубий II участкалари бўйича маъдан 103,5%, олтин захираси 22,9% га ошди.




**6-расм. Блокли моделлаштиришда маъдан таналарида олтин захираларининг тарқалиши.** ***1*** – <0,5; ***2*** – 0,5 дан 1,0; ***3*** – 1,0 дан 1,5**;** ***4*** – 1,5 дан 2,0; ***5*** – 2,0 дан 2,5; ***6*** – 2,5 дан 3,0; ***7*** – 3,0 дан 3,5; ***8*** – 3,5 дан 4,0; ***9*** – 4,0 дан 4,5; ***10*** – 4,5 дан 5,0; ***11*** - > -5,0 гача.

Жанубий I участкасида блокли моделдан олинган натижалар геологик блокларнинг анъанавий усули вертикал ва горизонтал проекцияларни натижалари билан солиштирган ҳолда таққосланди. Олинган натижаларга кўра, ҳудуд рухсат этилган номувофиқликка (қалинглиги ±10%, металларнинг миқдори бўйича ±5%, уларнинг захираси эса ±15%) тўғри келмоқда. Блокли модел ва анъанавий усулдан фойдаланилганда маъдан таналари ва олтининг ўртача захираси ўртасидаги асосий тафовутнинг асосий сабаблари металларнинг жуда нотекис тақсимланишидан ва маъдан таналарининг қалинлиги ҳамда олтиннинг ўта юқори қийматларнинг учрашидан вужудга келади.

Марказий ва (1-сонли м.т. VI-$C_1$ блок) Жанубий (5-сонли м.т. II-$C_2$ блок) участкаларида муфассал ва эксплуатацион разведка маълумотлари таққосланиб таҳлил қилинди. Мазкур таққослаш ишлари натижасида Марказий участкасидаги 1-сонли маъдан танасининг VI-$C_1$ блокида -19,3% майдонини камайиши, ўртача қалинлиги эса +42,8% кенгайганлиги бу эса ўз навбатида маъданларнинг захирасини +15,3% ортишига олиб келади. Олтиннинг ўртача миқдорини -14,6% га камайиши, ўз навбатида металл захираларини унчалик катта бўлмаган -1,54% га камайишига олиб келди. Каулди конида маъданлашувни ўта нотекис тақсимланганлиги туфайли эксплуатацион разведка ва қазиб олиш ишларида қийинчилик туғдиради.

Жанубий участкаси учун геологик-қидирув ва эксплуатация ишлари натижасида блоклардаги захира ҳисоблаш параметрларининг бир-бирига муносабати қуйидагича: участка майдони 191,3% га ортди, маъдан таналарининг қалинлиги -31,2% га камайди, маъдан захиралари бўйича +96,7% ни, олтиннинг ўртача миқдори -9,09% га камайди, кумушнинг ўртача миқдори эса +19,2% ни ташкил этди, майдоннинг ортиши ҳисобига олтин захиралари 78,3% га, кумуш захиралари эса 136,3% га кўпайишига олиб келди. Бу нисбатлар эксплуатацион

профилларнинг зичлиги билан чамбарчас боғлиқ. Натижалар олтин ва кумуш захираларининг ортиб бораётган қониқарли кўсаткиларини кўрсатмоқда.

Каулди конининг геологик тузилиши, олтиннинг тақсимланиши ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда янги меъёрлар бўйича қайта ҳисобланиб чиқилиши, нафақат саноат захираларининг кўпайишига, балки уларнинг ишончлилигини оширишга ҳам хизмат қилди.

## ХУЛОСА

1. Каулди конининг олтин маъданлашуви асосан турли хил йўналишдаги ёриқли бузилишлардан тузилган структуралар билан боғлиқ. Ўрганилаётган участкалар учун иккита асосий структуравий ва литологик-стратиграфик позициялар хос бўлиб, улар ички формацион ва оралиқ формацион позициялар билан ифодаланади ва олтин захираларининг асосий қисми ички формацияли позицияларга тўғри келади.

2. Маъдан танаси жойлашишида кварц-гидрослюдали ва карбонат-гидрослюдали метасоматитларнинг ривожланиш зонлари энг қулай шароит бўлиб, улар қия ($10\text{-}35^0$) структуралар билан боғлиқ. Кварц-гидрослюда метасоматитли қалин зоналарнинг мавжудлиги олтин маъдан танасини очишда бевосита қидирув белгиси бўлиб хизмат қилади.

3. Статистик таҳлиллар ўрганилаётган Марказий, Жанубий, Жанубий I ва Жанубий II участкаларида олтиннинг ўзгарувчанлик коэффициенти қийматлари 150% дан юқори ва мураккаблик коэффициенти бўйича 0,4 дан камлиги олтиннинг жуда нотекис тарқалганлигини ва IV мураккаблик гуруҳига киришини кўрсатди (халқаро талабларга мувоқиф янгиланган Захиралар Таснифи 2022й.)

4. Захираларни ҳисоблашда асосий таъсир қилувчи геологик омиллар - маъдан таналарининг морфологияси ва ички тузилиши; услубий омиллар - қидирув тўрининг зичлиги ва “ўта юқори қийматли” олтин миқдори билан боғлиқ.

Жанубий II участкасида қидирув тўри зичлигини асослаш мақсадида амалга оширилган қидирув тўрларини қисқартирилиши металл таркибининг жуда нотекис тақсимлангани сабабли олтин захираларини асоссиз равишда ортиқча баҳолашга олиб келди.

5. Каулди конининг захиралари халқаро стандартларга мувофиқ меъёрий-услубий ҳужжатлар талаблари асосида қайта ҳисоблаб чиқилди (ДЗК, 2022й.). Захираларни янги кондиция талаблари бўйича олтиннинг чегаравий миқдори кетма-кетликда 2,0 г/т дан 1,5, 1,0, 0,5, г/т гача пасайтирилганда коннинг энг оптимал чегаравий миқдори 1,0 г/т бўлиб, бунда олтиннинг миқдори 22,9% ошишига олиб келди.

6. Захираларни ҳисоблашнинг анъанавий ва блокли усулларини (Micromine ДТ) таққослаш натижаларига кўра, олтин захираларини баҳолашда ±5,8% дан ошмайдиган мақбул номувофиқликни кўрсатди.

7.Ўтказилган статистик таҳлилларга асосланиб, Каулди кони участкаларининг геологик тузилиши мураккаблиги IV гуруҳга мансуб эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу участкаларда олиб бориладиган разведка ишлари илғор оператив-разведка ишлари билан биргаликда олиб бориш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01.
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ГУ «ИНСТИТУТ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ»**

**ГУ «ИНСТИТУТ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ»**

**РАХМОНОВА НАФИСА БАХРОМОВНА**

# ОСОБЕННОСТИ РАЗМЕЩЕНИЯ ЗОЛОТОГО ОРУДЕНЕНИЯ, ОПРЕДЕЛЯЮЩИЕ МЕТОДИКУ И ДОСТОВЕРНОСТЬ РАЗВЕДКИ И ПОДСЧЕТА ЗАПАСОВ НА МЕСТОРОЖДЕНИИ КАУЛЬДЫ

**04.00.02 – Геология, поиски и разведка месторождений твердых полезных ископаемых. Металлогения и геохимия**

**АВТОРЕФЕРАТ**
**диссертации доктора философии (PhD)**
**ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2024**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2024.1.PhD/GM181**

Диссертация выполнена в Государственном учреждении «Институт минеральных ресурсов».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.mridm.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|---|---|
| **Научный руководитель:** | **Цой Владимир Деньевич**<br>доктор геолого-минералогических наук, профессор |
| **Официальные оппоненты:** | **Карабаев Маматхан Садирович**<br>доктор геолого-минералогических наук, профессор |
| | **Урунов Бахром Насруллаевич**<br>доктор философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам |
| **Ведущая организация:** | **АО «Узбекгеологоразведка»** |

Защита диссертации состоится «25» 04 2024 г. в 16[00] часов на заседании Научного Совета DSc. 24/30.12.2019.GM.40.01. при Институте минеральных ресурсов, (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел: (99871) 209-08-93; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: info@mridm.uz, gpniimr@exat.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный номер №339) (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел: (99871) 209-08-93.

Автореферат диссертации разослан «08» 04 2024 года.
(реестр протокола рассылки № 15 от «11» 03 2024 года).

**М.У. Исоков**
Председатель Научного совета по присуждению ученой степени, д.г.-м.н.

**С.С. Сайитов**
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по г.-м.н.

**М.М. Пирназаров**
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность исследований**. В мировой практике вопросы детального изучения факторов, определяющих особенности геологического строения золоторудных месторождений, методику их разведки и подсчета запасов, а также геолого-экономической оценки являются по прежнему актуальными. При этом особое внимание уделяется полноте обработки имеющихся геологических, горнотехнических, технологических материалов, применению современных методов их анализа и интерпретации полученных результатов.

В настоящее время, в развитых странах проводятся широкомасштабные исследовательские работы по разработке научно-обоснованных методов геологоразведочных работ и оценки запасов золоторудных месторождений. При этом используются лицензионные комплексы программного обеспечения, для переоценки запасов по новым технико-экономически обоснованным разведочным кондициям. Все это способствует повышению эффективности геологоразведочных работ и развитию минерально-сырьевой базы страны.

В республике реализован ряд комплексных мер по созданию единой геологической службы в сфере комплексного геологического изучения недр, обеспечения эффективной реализации программ развития и воспроизводства минерально-сырьевой базы. В Стратегии дальнейшего развития Нового Узбекистана определены меры по «....расширению минерально-сырьевой базы в соответствии с потребностями экономики…»[1]. Для выполнение поставленных задач важное значение приобретают научные исследования, направленные на совершенствование методики геологоразведочных работ, обеспечивающих повышение эффективности геологического изучения недр и достоверности подсчета запасов месторождений полезных ископаемых. Государственной программой предусматривается существенное увеличение производства меди и золота при разработке медно-порфировых месторождений, что повышает потребность во флюсовых рудах. В связи с этим особое значение имеет расширение сырьевой базы золотосодержащих флюсовых руд месторождения Каульды за счет переоценки запасов с обеспечением их достоверности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 1 марта 2018 г. № ПП-3578 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам», от 21 апреля 2021 г. ПП-5083 «О дополнительных мерах по активному привлечению инвестиций в сферу геологии, трансформации предприятий отрасли и расширению минерально-сырьевой базы республики», от 8 июня 2020 г. №ПП-4740 «О мерах по организации деятельности университета геологических наук в системе государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и

[1] Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП-60 «О Новой Стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 года, https://lex.uz/ru/docs/5841077#5843178.

минеральным ресурсам» а также ряда других нормативно-правовых документов, принятых в этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики**. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VIII – «Науки о земле: (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

